

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2011
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

АДАБИЁТШУНОСЛИК

С.УСМОНОВА

“Беовульф” ва “Алпомиш” достонларида халқпарварлик ғояларининг бадиий ифодаси.....	63
--	----

ТИЛШУНОСЛИК

А.ЗИЯЕВ

Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сифат сўз туркумида интенсификация ва деинтенсификация ҳодисасининг намоён бўлиши.....	66
---	----

Н.ХОШИМОВА

Сўзларнинг мазмуний алоқаси тадқиқида занжирли ассоциатив тажрибанинг ўрни	69
--	----

М.ДАНИЕВА

Инглиз тилидаги сўз бирикмалари таркибий қисмларининг ўзаро муносабати.....	72
---	----

Г.ГАНИЕВА

Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг лингвокогнитив асослари	76
--	----

Д.ТЕШАБОЕВ

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳавола бўлакли эргашган қўшма гаплар.....	80
---	----

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

А.АСИМОВ

Бошланғич синфларда масала ечишдаги ижодий ёндашиш	83
--	----

М.ҚАХҲОРОВА, З.ПОЗИЛЖОНОВА

Тест турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	85
--	----

Ш.УСМОНОВ

Шахслараро муносабатларда толерантликнинг эмпирик таҳлили	88
---	----

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.ҲАКИМОВ, З.ХОДЖАЕВА

Модус ва диктум тушунчалари хусусида	92
--	----

Э.НАСРУЛЛАЕВ

Ўзбек халқ поэтик ижодида достончилик анъаналари	95
--	----

Н.ҚОЗОҚОВА

“Шум бола” қиссасининг айрим лексопрагматик хусусиятлари	97
--	----

АДАБИЙ ТАҚВИМ

С.МЎМИНОВ, Т.МЎМИНОВА

Абдулла Орипов шеъриятида муаллиф шахсияти ва лирик қаҳрамон.....	99
---	----

ҚУТЛОВ

Сўз илмининг заргари	101
----------------------------	-----

Касбидан ҳурмат топган устоз.....	102
-----------------------------------	-----

ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Янгича шакллар таҳлили	104
------------------------------	-----

Библиография	106
--------------------	-----

ХОТИРА

Камтарлик ва комиллик соҳиби эди	107
--	-----

УДК: 4/413+415

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ СҮЗ БИРИКМАЛАРИ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

М.Даниева

Аннотация

Ушбу мақолада инглиз тилидаги сўз бирикмалари таесифланади. Шунингдек, уларнинг шакли, вазифаси ва худудий чегарасини аниқлаш борасида сўз юритилади. Сўз бирикмаларини ташкил этган элементлар ўртасидаги муносабатларни изоҳлашга асосий дикъат қаратилади.

Аннотация

В статье даётся характеристика английских словосочетаний, также рассматриваются их формы, функции и употребление в составе предложений. Основное внимание уделяется определению отношений между составляющими элементами словосочетаний.

Annotation

In this article characteristic features of English phrases are defined; their forms, functions and use in the structure of the sentences are analyzed. Main attention to clarify the relationship between the components of the phrases is given.

Таянч сўз ва иборалар: элементлар, тизим, тузилма, лисоний, парадигматик, синтаксик, лексик, семантик, мақом, сўз бирикмаси, грамматик хусусиятлар, таркибий қисмлар.

Ключевые слова и выражения: элементы, система, структура, лингвистический, парадигматика, синтаксический, лексический, семантический, статус, словосочетание, грамматические особенности, компоненты.

Key words and expressions: elements, system, structure, linguistic, paradigmatic, syntactic, lexical, semantic, semantic status, word expressions, grammatical features, components.

Сўз бирикмаси тизимини мукаммал ўрганиш ҳаракатлари ўтган асрнинг ўрталарида янада жадаллашиб, ушбу тизим бирлиги – сўз бирикмасини ҳосил қилувчи морфосинтактик, синтагматик, семантик омилларни тавсифлаш ва сўз бирикмаларини бошқа лисоний бирликлардан фарқлаш ҳамда таснифлаш борасида қатор изланишлар олиб борилди. Изланишлар натижасида эришилган хуносалар сўз бирикмаси тизими ҳақидаги таълимотнинг назарий тус олишига туртки берди. Айниқса, академик В.В. Виноградовнинг сўз бирикмаси назарияси тараққиётига кўшган ҳиссаси алоҳида. Олим томонидан сўзларнинг ягона тузилма таркибида бирикиш қонуниятлари борасидаги билдирилган фикрлари кўп йиллардан бўён турли тиллар кесимида олиб борилаётган изланишларда етакчи ғоя сифатида эътироф этиб келинмоқда. Жумладан, ўзбек тили сўз бирикмалари тизими тадқиқи ҳам ушбу таълимот таъсири даражасидан четга чиққани йўқ [1.152].

Маълумки, В.В. Виноградов таълимотида “сўз бирикмаси” тушунчаси икки таркибли структура чегарасида талқин

қилинади ва бу структура икки мустақил сўзнинг эргашувчанлик, тобелик муносабати орқали бирикишидан ташкил топиб, интонация кўрсаткичга бўлинмайди ҳамда яхлит, лекин таркибли тушунчаларни ифодалаш учун хизмат қиласи. Бу структура, ўз навбатида, сўз ва гап бирликларига қарама-қарши қўйилганда, унинг ўрганилиш масаласи синтаксиснинг алоҳида қисмiga топширилади. Тилшуносликда “сўз бирикмаси синтаксиси” йўналишининг пайдо бўлиши ҳам шу таълимот таъсирида шаклланди [2.241]. Сўз бирикмасини тавсифлаш, унинг шакли, вазифаси ва худудий чегарасини аниқлаш борасидаги барча баҳслар ва мунозаралар худди шу таъриф доирасида олиб борилди. Таърифнинг у ёки бу томонларига нисбатан баъзан қарама-қарши фикрлар ҳам билдирилди. Айрим олимлар сўз бирикмаси қисмлари ўртасида тобелик муносабатининг мавжудлигини инкор этишса, бошқалар сўз бирикмаларига номинатив функция ҳос эмаслигини исботлашга уриниши. Сўз бирикмасининг тил тизимидағи ўрнини аниқлаш билан қизиқканлар лексик ва синтактик сатҳлари орасида бир алоҳида оралиқ сатҳни қидиришиб, сўз бирикмасини шу сатҳга жойлашга

М.Даниева – Қарши ДУ инглиз тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси.

ТИЛШУНОСЛИК

ҳаракат қилдилар [3.280]. Баъзилар сўз бирикмаси мақомини унинг таркибида бирикаётган сўзларнинг формал кўрсаткичлари билан боғлаш тарафдоридирлар. Уларнинг наздида, грамматик тизимда формалар тўпламига эга бўлмаган тиллар (масалан, аморф тиллар) да сўз бирикмаларини ажратиб бўлмайди [4.282].

Сўз бирикмалари назариясига оид бундай масалаларнинг узоқ пайтдан буён муҳокама қилиниб келинаётганлиги сабабларидан бири ушбу ҳодисани унинг атрофидагилардан ажратиб, автоном кўринишдаги структура сифатида ўрганиб келинаётганлигидир.

Сўз бирикмалари тизимига бўлган қизиқиши лексемаларнинг ўзаро бирикиш қонуниятларини чукур таҳлил қилишга, уларнинг лексик ва синтактик валентлик хоссаларини аниқлашга, шунингдек, сўз бирикмаси таркибий қисмларининг ўзаро муносабатини батафсил ўрганишга сабаб бўлди. Кўпчилик тилшуносларнинг фикрича, сўз туркumlари даражасида юзага келадиган турлича вазифавий кўринишлар, транспозиция ва десемантизация ҳолатларини, даставвал, сўз бирикмаси ҳудудида ўрганиш лозим бўлади [5.129]. Сўз бирикмаларини нафақат лисоний синтагматика, балки парадигматика нуқтаи назаридан ҳам ўрганиш лозимлигини эътироф этиш натижасида уларни маълум гурухларга тақсимлаш имконияти туғилди. Лекин, сўз бирикмасининг мақомини аниқламасдан туриб, таъриф ва таснифнинг аниқлигига эришиб бўлмаслигини ҳам унутмаслик лозим. Инглиз тили сўз бирикмаларининг тузилиши ва функционал хусусиятларини махсус ўрганганд B.B. Бурлакованинг таърифи худди шундай мазмунга эгадек кўринади: “Сўз бирикмаси – тил бирлигидир. Таркибидаги бирликларнинг шакл ва қайси гуруҳга оидлигига кўра бирикиши жиҳатидан ўрганиладиган ҳар қандай эркин грамматик тузилишдаги сўзлар гурухи сўз бирикмасидир. Сўз бирикмасининг элементлари ўртасида ҳар қандай турдаги синтактик муносабат юзага келиши мумкин” [5.120]. Олиманинг фикрича, қўйидаги қатордаги барча сўз гурухларини сўз бирикмаси сифатида қараш лозим: 1. *very quickly*; 2. *extremely beautiful*; 3. *serious discussion*; 4. *types of rules*; 5. *rich*


in minerals; 6. real books; run fast; be clever; 7. to the lighthouse; 8. red and green; 9. men, women, children; 10. he laughed; 11. wise old (man); 12. yellow rose (wreath); 13. (to find) the car gone; (she kissed him), her eyes searching his face [5: 88]. Келтирилган мисолларнинг функционал-семантик жиҳатдан бир қаторда турмаслигини сезган B.B. Бурлакова уларни турли гурухларга тақсимлайди (масалан, биринчи етти гурухни “ядроли бирикмалар”, қолган олти гурухни эса “ядросиз бирикмалар”га ажратади). Равшанки, бундай тақсимланишнинг асосий таянчи элементлар ўртасида синтактик муносабатлар бўлиб қолаверган. Аммо *to the lighthouse* (7), *wise old* (11), *to be clever* (6) каби гурухларда элементлар ўртасида қандай синтактик муносабат борлигини изоҳлаш ўта қийин масала эканлиги маълум.

Предлог ва от боғланишида ҳосил бўладиган гурухларга келадиган бўлсак, уларни кўпчилик хорижлик тилшунослар ҳам сўз бирикмалари қаторига киритишга ҳаракат қилдилар [6.244-245; 7.143-163]. Бироқ ушбу муаллифлар келтирган мисоллардан бирини таҳлил қилиб кўрайли: *-The snowy weather lasted for the whole time we were there* [7.157].

Анъанага биноан, ушбу гап таркибидаги *for the whole time* гурухини “предлогли сўз бирикмаси” – prepositional phrase, деб ўрганиш тавсия қилинади. Баъзилар ҳатто ушбу турдаги бирикмаларда етакчи ролни предлогга ажратишиб, уларни “прогрессив структурали” бирикмалар қаторига қўшадилар [5.88]. Бизнингча, бундай тавсиф предлог, мустақил лексик маънога эга бўлган луғат бирлиги сифатида ўзидан кейинги сўзнинг формасини белгилайди, яъни у бошқарув синтактик алоқасини шакллантиради, деган ғоянинг оқибатидир.

Умуман, тил бирликларининг ҳар қандай ҳолатдаги бирикувани синтаксис ҳодисаси сифатида қараш анъанаси грамматика фанида кўплаб ножоиз талқинларнинг юзага келишига сабаб бўлганлиги кейинги ийлларда маълум бўлмоқда. Ана шундай ножоиз талқинга дучор бўлганлардан бири – бошқарув (управление) алоқасидир. Агар бошқарувни тилнинг синтактик сатҳига оид алоқа сифатида қарайдиган бўлсак, у ҳолда ушбу алоқа воситасида муносабатга киришаётган

элементлар ҳам синтактик бирлик мақомини олиши лозим бўлар эди. Аммо бошқарув гап таркибидаги элементларнинг синтактик мақомини белгиламайди, чунки синтактик муносабатларнинг шаклланиши гап бўлакларининг предиктив, субординатив



Кўринадики, гапнинг ядросини *weather* ва */lasted/* бўлаклари ўртасидаги предиктив алоқа ташкил қиласди, *we* ва *were* бўлаклари ўртасидаги алоқани эса иккиласми предиктив алоқа сифатида тавсифлаш мумкин; қолган бўлаклар ўртасидаги алоқа тобелик, яъни субординатив хусусиятга эга. Бошқарув алоқаси эса (худди мослашув ва бирикв каби) гап структурасида ўз ифодасини топмайди. Шу боис, А.М.Мухин, Ш.Сафаров, Т.Е.Яковлева каби олимларнинг фикрларига эргашиб, бошқарувни лексик алоқа тури, деб ҳисоблашни маъқул кўрамиз [8, 9, 10]. Бошқарув, ва, шунингдек, мослашув, битишув алоқаларининг лексик сатҳ ҳудудида қолдирилиши, бизнингча, сўз бирикмасини синтаксис тузилмалари учун “курилиш материали” сифатида қараш анъанаисига мувофиқ келади. Зотан, синтаксис курилмаси материални ўзидан қўйи босқичдан олади.

“Предлогли сўз бирикмаси” тушунчаси тавсифига қайтадиган бўлсак, юқорида берилган гапнинг бўлаклари синтактик алоқалари чизмасидан кўринадики, *for* предлоги ва *the* артикли бошқа элементлар билан ҳеч қандай синтактик алоқага киришмайдилар. Уларнинг бажарадиган функциялари ўзига хосдир. Артикл, асосан, гап ва матн таркибида дейктик вазифани ўтайди. Предлог мустақил сўзлар ўртасида юзага келадиган лексик ва синтактик муносабатларни шакллантирувчи воситадир. Икки мустақил бўлак ўртасидаги алоқада воситачилик ролини йўнайдиган предлогни гап компонентлари бўйича таҳлил этиш жараёнида қайси қисмга бириктириш масаласи ҳам муаммо туғдириб келмоқда.

А.М.Пешковскийнинг

(тобелик) ва координатив алоқаларга киришиши билан боғлиқдир. Мисол тариқасида юқорида келтирилган гапнинг бўлаклари ўртасидаги муносабатларнинг шаклланиш шароитини келтирамиз:

издошлари уни кейинги ўриндаги от билан боғласалар, В.В.Виноградовнинг шогирдлари уни феъл элементи ҳамроҳлигига кўрадилар [8.129]. Предлогларнинг *can not be against smb.; to clash into smth.; to advance at smth.; to dart on smb.; to bawl at smb.; to bark at smb.; to glance at smth.; to beam at smb.; to bluster at smb.; to gaze at smth.; to count on smb.; the roof of the house; the saving of him; a book for this man* каби бирликларда қўлланиши уларнинг лексик-семантик хусусиятга эга эканлигидан дарак беради. Аммо уларнинг феъл ёки от қисми билан ҳамкорлика бирор бир аналитик бирикма ҳосил қилишини тасаввур қилиш қийин. Ш.Сафаровнинг таъкидича, турли элементлар бирикмасини аналитик шакл сифатида қараш учун ушбу бирикмани формал қисмларга, яъни ўзак ва формантларга ажратиш лозим бўлади. Бошқача айтганда, бир тузилишдаги бирликлар бир хил грамматик маънони ифодаловчи формантларга мос келиши керак. Лекин предлоглар сўз ўзгартувчи формантларга муқобил эмас. Натижада, предлогли бирикмаларни, уларнинг ҳеч қандай морфологик қарама-қаршилик қаторларини ташкил этмасликлари инобатга олиниб, лексик ва синтактик тузилмалар таркибида ажралувчи бирикма сифатида қараш тавсия этилади [11.47].

Предиктив муносабатнинг мавжудлиги гапни сўз бирикмасидан фарқловчи энг асосий кўрсаткич эканлиги тилшуносларнинг кўпчилиги томонидан эътироф этиб келинмоқда. Бу ҳатто лингвистик терминлар луғатларида ҳам қайд этилган. Мисол тариқасида Буюк Британияда нашр қилинган луғатда сўз

ТИЛШУНОСЛИК

бирикмасига берилган таърифни келтирамиз: phrase. A term used in grammatical analysis to refer to a single element of structure typically containing more than one word, and lacking the subject-predicate structure typical of clauses [12.367] – “фраза (инглиз тилидаги сўз бирикмасини атовчи термин -M.D.) грамматик таҳлилда одатда бирдан ортиқ сўздан таркиб топадиган ва гаплар учун хос бўлган субъект-предикат структурасига эга бўлмаган алоҳида турдаги бирикмага нисбатан кўлланиладиган атама”.

Хуллас, сўз бирикмаси тушунчасининг ғоят кенг миёсда талқин қилиниши ва унинг тизимиға турли ёрдамчи, боғловчи, ўз маъносини йўқотган элементлар бирикувидан ҳосил бўладиган тузилмаларнинг киритилиши ушбу тушунчанинг моҳиятан сийқалашувига, ноаниқ кўриниш олишига сабаб бўлади. Бундай уриниш йўлида қилинган барча ҳаракатлар, ҳатто француз тилшуноси Я.Шабршула ва унинг издошлари томонидан қандайдир алоҳида “постсинтаксис” ёки “преморфология” сатҳларини ажратиш йўлидаги уринишлар ҳам [13.183-192, 121] ўзини оқлай олмади. Шу боис, биз сўз бирикмалари қаторига мустақил сўзлар бирикувидан таркиб топадиган ва ҳеч қандай предикатив муносабат зоҳир бўлмаган тузилмаларни киритиш тарафдоримиз.

Сўз бирикмаси кўп жиҳатли ва вазифали, ўзига хос тузилмага эга бўлган лисоний ҳодисадир. Шунинг учун ҳам уни тавсифлашда унга хос бўлган семиотик, семантический, структуравий, номинатив, когнитив хусусиятларни эътиборга олиш талаб қилинади. Маълумки, сўз бирикмаси лисоний фаолият жараёнда яратилади ва қайта қўлланилади. Шу жараёнда яратиладиган бирликларнинг асосий вазифалари номинатив ва коммуникация фаолиятларини таъминлашдир. Г.В. Колшанскийнинг қайдича, “коммуникация ҳар доим фикр ва ахборот алмашиш мақсадини кўзлайди ёки, бошқача айтганда, у инсоннинг меҳнат ва ижтимоий фаолият жараёнда юзага келадиган амалий ва назарий эҳтиёжларини қондирувчи мулоқотдир” [14.29]. Сўз бирикмаси ҳам коммуникация жараёни иштирокчиси бўлиши учун ушбу талабларга жавоб бериши лозим, яъни у дастлабки уринда яхлит тузилишга ва семантический мустақил кўринишга эга бўлмоғи даркор. Масалан, *the people present* сўз бирикмасини *the present boundaries* бирикмасидан фарқлаш учун унинг номинатив ва коммуникатив имкониятларини эътиборга олмасликнинг иложи йўқ: *One might not feel attracted by most of the people present*.

Адабиётлар:

1. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек типининг назарий грамматикаси. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Виноградов В.В. Избранные труды: Исследования по русской грамматике. – М.: Наука, 1975.
3. Павлов В.М. Понятие лексемы и проблема отношений синтаксиса и словообразования. – Л. Наука, 1985.
4. Попова З.Д., Стернин И.А. Общее языкознание. – М.: Восток-Запад, 2007.
5. Бурлакова В.В. Основы структуры словосочетания в современном английском языке. – Л.: ЛГУ, 1975.
6. Jacobs R. English Syntax. -Oxford: Oxford Univ. Press, 1995.
7. Quirk R., Greenbaum S. A University Grammar of English. – L.: Longman, 1989.
8. Мухин А.М. Лингвистический анализ. Теоретические и методологические проблемы. – Л.: Наука, 1976.
9. Сафаров Ш. О двойном управлении древнеанглийских глаголов. // Лингвистические исследования. – М., 1975.
10. Яковлева Т.Е. Системный анализ английских переходных глаголов. Автореферат дис. ... канд. филол. наук. – Л., 1980.
11. Сафаров Ш., Нуруллаев Х. Функционирование лексических единиц в синтаксических конструкциях. – Самарканд: Изд-во СамГУ, 1983.
12. Crystal D. A Dictionary of Linguistics and Phonetics. – Oxford: Blackwell, 2008.
13. Sabrsula J. Unproblème de la périphérie du système: a propos des formations premorphologiques//Travaux linguistiques de Prague, 1966.
14. Колшанский Г.В. Лингвокоммуникативные аспекты речевого общения // Методическая мозаика. – М., 2006. № 4.
15. Расулова М.И. Семантико-когнитивная модель лексических единиц. // Linguistics-II. – Т.: УзГУМЯ, 2011.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).